

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

244 Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизматлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ–2099-сон қарорига мувофиқ, шунингдек объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизматлари (кейинги ўринларда ягона буюртмачи хизматлари деб аталади) ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ–2099-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига мувофиқ ягона буюртмачи хизматларининг раҳбарлари, ходимлари ва мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар ва тариф коэффициентлари Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига мувофиқ белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2014 йил 1 январдан бошлаб ягона буюртмачи хизматлари (инжиниринг компаниялари) раҳбар ходимлари ва мутахассислари учун ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги тариф коэффициентларига чекланган оширувчи коэффициентлар иловага мувофиқ белгилансин.

3. Вазирликлар, идоралар ва ягона буюртмачи хизматлари раҳбарлари ягона буюртмачи хизматлари ходимларини моддий рағбатлантиришни капитал қўйилмалардан фойдаланиш самарадорлигига, бажарилган ишлар сифати ва ҳажмига қараб табақалаштириб амалга оширсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 16 май,
124-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 16 майдаги 124-сон қарорига
ИЛОВА

**Ягона буюртмачи хизматлари (инжиниринг компаниялари)
раҳбар ходимлари ва мутахассислари учун белгиладиган
ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф
коэффициентларига оширувчи коэффициентларнинг
ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ***

Т/р	Молиялаштиришнинг барча манбалари бўйича инвестиция лойиҳаларининг йиллик ҳажмлари	Тариф коэффициентларига оширувчи коэффициентларнинг чекланган миқдорлари**
1.	50,0 млрд сўмгача	1,8
2.	50,0 млрд сўмдан 100,0 млрд сўмгача	1,9
3.	100,0 млрд сўм ва ундан юқори	2,0

* Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Ишлар бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат chegarаларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Мудофаа вазирлигининг ягона буюртмачи хизматлари учун, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмларидан қатъи назар, 2,0 миқдорда оширувчи коэффициент қўлланилади.

** Оширувчи коэффициент миқдори молиялаштиришнинг барча манбалари бўйича инвестиция лойиҳалари ҳажмига ўзгартиришлар киритилгандан сўнг кейинги ойдан бошлаб қайта кўриб чиқилади.